

Мен бу ерга филни кўриш учун келмаганман...



11:30 / 03.01.2022 2461

Ўтган мужтаҳид имомлар имомлик рутбасига илм талабидаги олийҳимматлик ва вақтларни зое қилишдан устунлик билангина эришдилар. Имом Моликнинг шогирди Яҳё ибн Яҳё Лайсий бўлиб, бу инсон «Муваатто» асарини энг машҳур ва энг ишончли ровийларидан бирidir.

У зот бир куни талаба дўстлари билан Имом Моликнинг дарсида эдилар. Фил келиб қолди. Шунда ўша ердаги барча ўқувчилар ташқарига, тирик филни кўриш учун чиқиб кетдилар. Яҳё бўлса жойида ўтираверди. Буни кўрган имом Молик унга: «Сенчи, филни томоша қилишга чиқмайсанми? Сени юртингда фил йўқку?» деди. Яҳё жавоб бериб: «Мен бу ерга филни кўриш учун сафар қилиб келмадим. Балки, сизни кўриш, сизнинг илмингиз ва йўл-йўриқ, услубингизни таълим олиш учун келганман», деди.

Унинг бу ҳолати устозга ёқди, маъқул келди ва уни «Андалус оқили» дея атади. Кейинчалик айнан ушбу шогирди билан фикҳ илмида иш юритиш, қонунчилик якунига етди ва унинг сабабидан Андалусда Моликий мазҳаби кенг тарқалди.

Қози Иёзнинг «Тартибул мадорик», Ибн Халликоннинг

**«Вафоётил аъён» ва
Имом Заҳабийнинг «Сияру аъламин нубало»
ва бошқа асарларда келтирилган**

Манба: arabic.uz